



Халқ сўзи

Ўзбекистон –
келажаги
буюк
давлат

2026 йил – МАҲАЛЛАНИ РИВОЖЛАНТИРИШ ВА ЖАМИЯТНИ ЮКСАЛТИРИШ ЙИЛИ

1991 йил 1 январдан чиқа бошлаган

WWW.XS.UZ

E-mail: Info@xs.uz

2026 йил 18 июль, № 146 (9317)

Шанба

Сайтимизга ўтиш учун QR-кодни телефонингиз орқали сканер қилинг.



ОЗАРБАЙЖОН БИЛАН АМАЛИЙ ҲАМКОРЛИКНИ ЯНАДА КЕНГАЙТИРИШ МУҲИМЛИГИ ТАЪКИДЛАНДИ

Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёев амалий ташриф билан мамлакатимизга келган Озарбайжон Республикаси иқтисодиёт вазири Микойил Жабборовни қабул қилди.



Учрашув аввалида юқори мартабали меҳмон давлатимиз раҳбарига Озарбайжон Президенти Илҳом Алиевнинг самимий саломи ва эзгу тилаklarини етказди.

Ўзбекистон — Озарбайжон стратегик шериклик ва иттифоқчилик муносабатларини, аввало, савдо-иқтисодий соҳада янада ривожлантиришнинг долзарб масалалари кўриб чиқилди.

Ўтган йилда товар айирбошлаш ҳажми 15 фоизга ошди, жорий йилнинг ўтган даврида эса ўсиш қарийб 40 фоизни ташкил этди.

Қурилиш, энергетика, геология, логистика, молия, ёқилғи, тўқимачилик, туризм ва бошқа тармоқларда, шу жумладан, қўшма Инвестиция компанияси иштирокида кооперация лойиҳалари амалга оширилмоқда.

Бўлажак олий даражадаги учрашувларнинг иқтисодий кун тартибиди пухта тайёрлаш муҳимлиги таъкидланди.

Шу маънода, бўлиб ўтган Ҳукуматлараро комиссия ва Ишбилармонлар кенгаши йиғилишларининг яқунлари юксак баҳоланди. Шунингдек, икки мамлакат ҳудудлари форуми натижадор ўтишини таъминлаш зарурлиги қайд этилди.

Ўзбекистон Республикаси Президенти
Матбуот хизмати сурати.

МАДАНИЯТ ВА САНЪАТНИ РИВОЖЛАНТИРИШ ҲАМДА ТАРҒИБ ҚИЛИШ БОРАСИДА ЙИРИК ЛОЙИҲАЛАР АМАЛГА ОШИРИЛАДИ

Президент Шавкат Мирзиёев 17 июль кунни маданият ва санъатни ривожлантириш, миллий меросимизни асраб-авайлаш ҳамда халқаро микёсда кенг тарғиб қилишга қаратилган лойиҳа ва тadbирлар тақдироти билан танишди.

Дастлаб нуфузли хорижий музей ва кўргазма майдонларида Ўзбекистоннинг археологик ва илмий мероси, шунингдек, амалий санъат асарларини намойиш этиш бўйича режалар кўриб чиқилди.

Жумладан, 2026 йил сентябрь ойида Доҳадаги Ислон санъати музейида “Uzbekistan: Heritage in Motion” кўргазмасини, ноябрь ойида эса Миландаги “Prada” фондида Ўзбекистоннинг ноёб экспонатлари иштирокида “Global Antiquity” халқаро археология кўргазмасини ташкил этиш режалаштирилган. 2027 йилда Венециядаги Палаццо Гримани ва Япониянинг Нара миллий музейида юртимизнинг бронза давридан илк ўрта асрларгача бўлган тарихини акс эттирувчи 200 дан зиёд археологик топиломалар намойиш этилади. Миландаги Палаццо Реаледо олтин каштачилик, сўзана, икат, заргарлик буюмлари ва амалий санъат асарларидан иборат 150 дан ортиқ экспонатлар тақдим этилади.

Флоренцияда Абу Али ибн Синонинг ҳаёти ва илмий меросига бағишланган кўргазма ўтказиш, шунингдек, Япония, Буюк Британия, Хитой, Саудия Арабистони ва бошқа давлатлардаги етакчи маданий муассасалар билан қўшма лойиҳаларни амалга ошириш режалари баён қилинди.

Маданий мерос объектларини реставрация қилиш масалаларига алоҳида эътибор қаратилди. Романовлар саройида Ўзбекистон давлат санъат музейи филиалини ташкил этиш кўзда тутилган. Бунда мажмуанинг тарихий қиёфаси сақлаб қолиниб, 300 га яқин экспонатлардан иборат доимий экспозиция шакллантирилади.

Мухтор Ашрафий уй-музейида бионинг фасади ва тарихий интерьерлари реставрация қилиниб, экспозиция янгиланмоқда. Музей замонавий муҳандислик тизимлари, хавфсизлик ва иқлим назорати воситалари, мультимедиа ускуналари, шунингдек, овоз ёзиш студияси билан жиҳозланади.

Тақдиротда “Тамерлан” операсини жаҳоннинг нуфузли сахналарида намойиш этиш натижалари ва келгуси режалар кўриб чиқилди.

Жорий йилда ушбу асар Дубай операси, Венадаги “Музик-Ферайн”, Санкт-Петербургдаги Мариинский театри ҳамда Версаль саройи Қироллик операси сахналарида намойиш этилди. Стефано Подда сахналаштирган операда Георг Фридрих Гендель мусиқаси Кирилл Рихтер талқинида, ўзбек миллий чолғу асбобларидан фойдаланилган ҳолда ижро этилди. Лойиҳада Ўзбекистон Миллий симфоник оркестри, хор, халқ чолғулари оркестри ва таниқли солистлар иштирок этиди.

2027 йил март ойида “Тамерлан” операсини Нью-Йоркдаги машҳур “Карнеги-холл” концерт залли сахнасида намойиш этиш режалаштирилган. Бу ўзбек опера санъати ва миллий ижрочилик мактабининг юксак салоҳиятини хорижий аудиторияга кенг намойиш этиш имконини беради.

Йирик концертлар, фестиваллар, танлов ва кўргазмаларни ташкил этишнинг ягона тизимини шакллантириш масаласи ҳам кўриб чиқилди. Маданият вазири лойиҳадаги “Халқаро фестиваллар дирекцияси” давлат муассасаси негизига Маданият ва санъатни ривожлантириш жамғармаси ҳузурида Маданий лойиҳалар миллий операторини ташкил этиш тақдироти қилинди.

Миллий оператор йирик халқаро тadbирларни ташкил этиш ва уларни хорижда тарғиб қилиш, таниқли ижрочилар иштирокидаги концертларга буюртмачи сифатида иш олиб бориш, шунингдек, “Шарқ тароналари” халқаро мусиқа фестивалини тайёрлаш учун масъул бўлади.

Жорий йил 8 июнь кунни Самарқанддаги Регистон майдонида машҳур хонанда Жон Лежондиннинг концерти ўтказилди. Август ойида Пекиндаги Буюк Хитой деворида, сентябрь ойида эса Регистон майдонидан таниқли пианиночи Ланг Лангнинг концертларини ўтказиш режалаштирилган. Октябрь ойида Тошкентдаги “Ўзбекистон” халқаро анжуманлар саройида бастакор Макс Рихтернинг концерти бўлиб ўтади.

(Давоми 2-бетда).



ЁҚИЛҒИ-ЭНЕРГЕТИКА СОҲАСИДАГИ МУРОЖААТЛАР ТАҲЛИЛ ҚИЛИНДИ

Президент Шавкат Мирзиёевга ёқилғи-энергетика соҳасида фуқаролар мурожаатларини кўриб чиқиш ҳамда уларда кўтарилган муаммоларни куз-қиш мавсумига тайёргарлик доирасида бартараф этиш юзасидан ахборот берилди.

Аҳолини электр энергияси ва газ билан барқарор таъминлашда фуқаролар мурожаатларини таҳлил қилиш, улар асосида жойлардаги муаммоларни аниқлаб, манзилли чоралар кўриш муҳим аҳамиятга эга.

2026 йилнинг биринчи ярмида ёқилғи-энергетика соҳасига оид 39 минг 220 та мурожаат келиб тушган. Бу ўтган йилнинг мос давридагига нисбатан 13 минг 820 та ёки 26,1 фоиз кам.

Уларнинг 50 фоизи табиий ва суюлтирилган газ, 38,3 фоизи электр таъминоти билан боғлиқ.

Мурожаатларда, асосан, суюлтирилган газ баллонларини тўлдириш, электр таъминотидаги узилишлар, электр тар-

моқларини қуриш ва таъмирлаш ҳамда табиий газ босими билан боғлиқ масалалар кўтарилган.

Мурожаатларнинг умумий сони камайганига қарамай, ҳар бир мурожаатни алоҳида ҳолат сифатида эмас, балки муайян ҳудуд, тармоқ ёки хизматдаги муаммони кўрсатувчи муҳим сигнал сифатида ўрганиш зарурлиги таъкидланди.

Куз-қиш мавсуми олдидан такрорий мурожаатлар келиб тушаётган маҳалла ва объектларни хатловдан ўтказиш, электр ва газ тармоқларининг техник ҳолатини ўрганиш, аниқланган камчиликларни бартараф этиш бўйича ҳудудлар кесимида ман-

зилли режалар ишлаб чиқиш вазифаси қўйилди.

Айниқса, электр таъминотида узилишлар кўп кузатилаётган ҳудудларда тармоқ ва трансформаторларни таъмирлаш, авария бригадаларининг шайлигини ошириш, табиий газ босими билан боғлиқ муаммолар мавжуд жойларда таъминот барқарорлигини таъминлаш муҳимлиги қайд этилди.

Шунингдек, суюлтирилган газ баллонларини тўлдириш ва аҳолига етказиб бериш графикларига қатъий риоя қилиш, эҳтиёж юқори бўлган ҳудудларда қўшимча захира ва имкониятларни сафарбар этиш зарурлиги кўрсатиб ўтилди.

Давлатимиз раҳбари мутасаддиларга мурожаатларда кўтарилган тизимли муаммоларни куз-қиш мавсуми бошлангунига қадар ҳал этиш, бунда маҳаллий ҳокимликлар, “маҳалла еттилиги” ҳамда коммунал хизмат кўрсатувчи ташкилотлар билан биргаликда тизимли иш олиб бориш зарурлигига ургу берилди.

Мавсумга тайёргарлик ишларини муддатидан олдин амалга ошириш, аҳоли ҳамда ижтимоий соҳа объектларига табиий ва суюлтирилган газ, шунингдек, бошқа ёқилғи ресурсларини барқарор етказиб бериш бўйича тегишли кўрсатмалар берди.

Ў.А.

Сенат қўмитасида

ҚОНУН ЯНГИ ТАМОЙИЛ ВА ТУШУНЧАЛАР БИЛАН ТЎЛДИРИЛМОҚДА



Олий Мажлис Сенати Фан, таълим ва соғлиқни сақлаш масалалари қўмитасининг илм-фан соҳасига оид қонунчиликни такомиллаштириш бўйича ишчи гуруҳ йиғилиши ўтказилди.

Сенаторлар, олимлар, мутахассис ва экспертлар, вазирлик ҳамда идоралар вакиллари, шунингдек, оммавий ахборот воситалари ходимлари қатнашган йиғилишда ишчи гуруҳ томонидан ишлаб чиқилган “Илм-фан ва илмий фаолият тўғрисида”ги Ўзбекистон Республикасининг Қонунига қўшимча ва ўзгартаришлар киритиш ҳақида”ги қонун лойиҳаси кўриб чиқилди.

Иштирокчилар қонун лойиҳасига киритилган “илмий ва илмий-техник лойиҳа”, “илмий-техник махсулот”, “илмий-техник натижа”, “илмий лойиҳа”, “илмий ва илмий-техник натижаларни тижоратлаштириш”, “инновацион фаолият” каби муҳим тушунчаларнинг таърифини қизғин муҳокама қилди.

Шунингдек, тенг ҳуқуқчилик ва

«Халқ сўзи».

Олий Мажлис Қонунчилик палатасида

ФУҚАРОЛИК ЖАМИЯТИ ИНСТИТУТЛАРИНИ ҚЎЛЛАБ-ҚУВВАТЛАШ МАСАЛАЛАРИ КЎРИБ ЧИҚИЛДИ



Олий Мажлис Қонунчилик палатасининг Демократик институтлар ва фуқаролик жамиятини ривожлантириш масалалари қўмитаси томонидан “Янги Ўзбекистонда фуқаролик жамияти институтларини қўллаб-қувватлашнинг институционал асосларини такомиллаштириш ва давлат — жамият ҳамкорлигини ривожлантиришнинг замонавий механизмлари” мавзuida давра суҳбати ўтказилди.

Тadbир мамлакатимиз мустақиллигининг 35 йиллиги муносабати билан Олий Мажлис ҳузуридаги Фуқаролик жамияти институтларини қўллаб-қувватлаш жамоат фонди, Демократик жараёнларни таҳлил қилиш маркази ҳамда Республика Маънавият ва маърифат маркази ҳамкорлигида ташкил этилди.

Таъкидланганидек, кейинги йилларда мамлакатимизда фуқаролик жамияти институтларини қўллаб-қувватлашнинг демократик институционал тизимини шакллантириш, уларнинг давлат ва жамият ҳаётидаги ўрни ҳамда таъсирини кучайтириш борасида кенг қўламли ислохотлар амалга оширилмоқда.

Давра суҳбатида соҳада қабул қилинган қонунларнинг мазмун-моҳияти, фуқаролик жамияти институтларини давлат то-

монидан қўллаб-қувватлаш тизимини янада такомиллаштириш, давлат ижтимоий буюртмалари, грант ва субсидиялар ажратиш механизмларининг очиқлиги, манзиллилиги ҳамда самарадорлигини ошириш масалалари атрофича муҳокама қилинди.

Шунингдек, фуқаролик жамияти институтларининг давлат ва жамият ҳаётидаги ролини мустаҳкамлашга қаратилган ислохотлар натижалари таҳлил қилиниб, уларнинг давлат бошқарувидаги иштирокини кенгайтириш, қонун ижодкорлиги жараёнига кенг жалб этиш, жамоатчилик назорати таъсирчанлигини ошириш, аҳоли манфаатларини самарали ифода қилиш ҳамда ижтимоий аҳамиятга эга ташаббусларни қўллаб-қувватлаш масалаларига алоҳида эътибор қаратилди.

➡ 2

Ватанимиз мустақиллигининг 35 йиллигига

ИСЛОҲОТЛАРИМИЗ САМАРАСИ

халқаро рейтинг ва индексларда юқори баҳоланмоқда

Дунёда давлатлар борки, халқаро рейтинг ва индексларда муносиб ўрин эгаллашга интилади. Чунки улар бугунги кунда мамлакатнинг жаҳон ҳамжамиятидаги ўрни, нуфузи ва рақобатбардошлигини баҳоловчи энг муҳим мезонлардан бирига айланган. Бошқача айтганда, халқаро рейтинг ва индекслар амалга оширилаётган кенг қўламли ислохотлар самарасини акс эттирувчи объектив кўзгу ҳисобланади.

Рейтинглардаги ҳар бир ижобий силжиш ортида юрт тараққиётига қаратилган аниқ сиёсий қарорлар, изчил ислохотлар, институционал ўзгаришлар ва уларнинг амалдаги натижалари мужассам. Бу эса халқаро ҳамжамият, инвесторлар, бизнес доиралари ва нуфузли молиявий институтлар учун мамлакатнинг ишончлилиги ва очиқлиги ҳақидаги муҳим сигнал ҳисобланади. Янги Ўзбекистонда сўнгги йилларда халқаро рейтингларда қўзғатилаётган ижобий динамика ҳам, энг аввало, давлат ва жамият ҳаётининг барча соҳаларида амалга оширилаётган тизимли ислохотлар ўзининг амалий натижасини бераётганининг халқаро эътирофидир.

➡ 3

МАДАНИЯТ ВА САНЪАТНИ РИВОЖЛАНТИРИШ ҲАМДА ТАРҒИБ ҚИЛИШ БОРАСИДА ЙИРИК ЛОЙИҲАЛАР АМАЛГА ОШИРИЛАДИ

(Давоми. Бошланиши 1-бетда).

Жорий йилда Венеция ва Милан шаҳрларида ўтказилаётган йирик халқро маданий тадбирларда Ўзбекистоннинг иштироки натижалари ҳам тақдим этилди.

Венециядаги 61-халқро санъат биеналесида Ўзбекистон "The Aural Sea" лойиҳаси билан миллий павильонда иштирок этмоқда. Лойиҳа Орол денгизи ва Қорақалпоғистон мавзусини хотира, афсона ва ҳикоялар орқали очиб беради. Павильонга хозирга қадар 60 мингдан зиёд кишилар ташир буюрган. Лойиҳага бағишланган материалларнинг умумий медиа қамрови 145 миллиондан ошган.

Биенале доирасида Палаццо Кавалли-Франкеттида Ўзбекистонлик расом Вячеслав Ахуновнинг "Instruments of the Mind" шахсий кўргазмаси ҳам ташкил этилди. Унда рассомнинг 1970 йиллардан бугунги кунга қадар

яратилган 200 дан ортиқ асарлари намойиш этилмоқда. Кўргазмага 30 дан зиёд мамлакатлардан 12 мингдан ортиқ кишилар ташир буюрган.

"Milan Design Week 2026" доирасида ташкил этилган "Ўрик гуллаганда" миллий павильонида 12 нафар халқро дизайнер ҳамда Ўзбекистон ва Қорақалпоғистондан 12 нафар ҳунарманднинг ҳамкорликдаги ишлари намойиш қилинди. Ўзбекистон павильони "Fuorisalone Award 2026" мукофоти ҳакамлар ҳайъатининг алоҳида эътирофига сазовор бўлди. Уни 18 мингдан зиёд кишилар кўрди, лойиҳанинг халқро ахборот қамрови 171 миллионга етди.

Шунингдек, Маданият ва санъатни ривожлантириш жамғармасининг 2026-2027 йилларга мўлжалланган тадбир ва лойиҳалари муҳокама қилинди.

11 — 13 сентябрь кунлари Нукус шаҳрида Орол маданияти саммити ўтказилади. Маданият, илм-фан, меъморлик, дизайн ва экология соҳалари ва

киллари Оролбўйини барқарор ривожлантириш масалаларини муҳокама қилади. 2027 йил январь ойида "Aral School" халқро дастурининг Орол аменгизи ҳавзаси иклими ва ландшафтига бағишланган янги мавсуми бошланади.

Алишер Навоий номидаги Ўзбекистон давлат академик катта театри репертуарини янгилаш доирасида Жакомо Пуччинининг "Турандот" операси ва Пётр Чайковскийнинг "Шелкунчик" балетини янгича талқинда саҳналаштириш режалари кўриб чиқилди. Лойиҳалари амалга оширишга етакчи маҳаллий ва хорижий режиссёрлар, дирижёрлар, хореографлар ва саҳналаштириш бўйича мутахассисларни жалб этиш режалаштирилган.

2027 йилги Бухоро биеналеси доирасида маданий мерос объектларини реставрация қилиш, тарихий ҳудудлар ва жамоат маконларини ободонлаштириш, шунингдек, кўргазма майдонла-

рини тайёрлаш режалаштирилган. Биеналега 50 дан зиёд хорижий расом ва дизайнерлар ҳамда мамлакатимиз креатив индустрияларининг 300 дан ортиқ вакиллари жалб этилади.

Бундан ташқари, "Milan Design Week" ва "Art Basel" тадбирларида иштирок этиш, "Art for Tomorrow" халқро анжуманини ўтказиш, Қатар музейлари билан ҳунармандчилик ва дизайн соҳасида ҳамкорликни ривожлантириш, шунингдек, Бухорода бадий резиденция ва халқро заргарлик мактабини ташкил этиш бўйича тақифлар кўриб чиқилди.

Давлатимиз раҳбари лойиҳаларни пухта тайёрлаш, реставрация ишлари сифатини қатъий назорат қилиш, миллий мазмунни замонавий ёндашувлар билан ўйғунлаштириш ҳамда халқро маданий ҳамкорлигининг амалий натиждорлигини ошириш бўйича кўрсатмалар берди.

ЎзА.

ИНСОН ҚАДРИ ВА ИЖТИМОЙ БАРҚАРОРЛИК — АСОСИЙ МЕЗОН

Давлатнинг ижтимоий сиёсати, аввало, инсонга муносабатида намоён бўлади. Айниқса, бутун умрини ҳалол меҳнатга бағишлаган инсонларнинг кексалик даврида муносиб ҳаёт кечиришини таъминлаш ҳар қандай ижтимоий давлатнинг устувор вазифаларидан биридир. Янги Ўзбекистонда сўнгги йилларда айнан шу тамойил асосида ижтимоий ҳимоя тизимини такомиллаштиришга қаратилган кўламли ислохотлар изчил амалга оширилмоқда.

Депутат фикри

Президентимиз томонидан пенсия тизимини ислох қилиш бўйича тақифлар тақдироти билан таншилгани ҳам ана шу ислохотларнинг мантиқий давоми бўлиб, унда билдирилган ташаббуслар нафақат бугунги, балки келажак авлодлар манфаатларини ҳам кўзлаган муҳим қадам сифатида алоҳида аҳамият касб этади.

Айтиш жоизки, сўнгги ўн йилда мамлакатимизда пенсия миқдори 3,3 баробар оширилди, энг кам пенсия миқдори эса минимал истеъмол харажатлари даражасидан юқори белгиланди. Бу миллионлаб фуқароларнинг ҳаёт сифатини яхшилади, уларнинг эртанги кунга ишончини мустаҳкамлади.

Бирок ҳаёт ўзгармоқда. Демография жараёнлар, аҳоли умр давомиёйилигининг ортиши, меҳнат бозоридagi янги муносабатлар ҳамда иқтисодий ривож пенсия тизимини ҳам замон талабларига мос равишда такомиллаштиришни талаб этмоқда.

Жаҳон тажрибаси шуни кўрсатмоқдаки, жамағариб бориладиган пенсия тизими нафақат ижтимоий ҳимоя воситаси, балки иқтисодий ўсишни рағбатлантирувчи муҳим молиявий ресурс ҳам ҳисобланади. Шу боис Халқро валюта жамағармаси, Жаҳон банки, Осиё тараққиёт банки ҳамда Халқро меҳнат ташкилоти экспертлари Ўзбекистонда мазкур тизимни ривожлантириш ташаббусларини қўллаб-қувватлаб келмоқда.

Айни пайтда фуқароларнинг жамағариб бориладиган пенсия ҳисобсаврагига иш ҳақининг атиги 0,1 фоизи ўтказилади. Бу маблағдан олинадиган даромад ҳам етарлича рағбатлантирувчи эмас. Шу боис тақиф этилаётган янги механизмлар, аввало, аҳолининг мазкур тизимда фаол иштирокчини таъминлашга қаратилгани билан аҳамиятлидир.

Хусусан, ойлик иш ҳақи белгиланган миқдорга бўлган фуқаро ўз жамағариб бориладиган пенсия ҳисобсаврагига иш ҳақининг 5 фоизини йўналтирса, давлат томонидан қўшимча 2,5 фоиз маблағ ажратилиши назарда тутилмоқда. Бу давлат ва фуқаро келажак учун биргаликда сармоя қиритаётганини аңглатади. Бундай ёндашув аҳолининг молиявий саводхонлиги ва шахсий масъулиятини ошириш, кексалик даврида даромад манбаларини диверсификация қилишга шароит яратади.

Тақфилар орасида пенсия ҳисоблаш тартибини такомиллаштиришга қаратилган ўзгаришлар ҳам муҳим аҳамиятга эга. Амалдаги тартибга кўра, пенсия миқдори, асосан, меҳнат фаолиятининг охириги ўн йилдаги беш йиллик иш ҳақидан келиб чиққан ҳолда ҳисобланади. Бу эса айрим ҳолларда инсоннинг бутун фаолияти давомидаги муносиб меҳнати ва юқори даромадини тўлиқ акс



аттирмаслиги мумкин. Шу муносабат билан пенсия ҳисоблаш даврини йигирма йилгача кенгайтириш ҳамда айрим паст даромадли даврларни ҳисобдан чиқариш

тақиф этилмоқда. Бу меҳнат фаолиятини янада адолатли баҳолашга хизмат қилади. Ҳисоб-китобларга кўра, мазкур ўзгариш натижасида янги тартиб асосида пенсияга чиқувчиларнинг пенсия миқдори ўртача 8 фоизга ошиши мумкин.

Давлатимиз раҳбари томонидан хусусий ва корпоратив пенсия тизимларини жорий этиш учун зарур қонунчилик асосларини яратиб вазифаси қўйилгани ҳам алоҳида аҳамиятга эга. Бу орқали иш бевуқчилар ўз ҳодимлари учун қўшимча пенсия дастурларини ташкил қилиш имкониятига эга бўлади. Натижада меҳнат бозорига рақобат муҳити кучаяди, маҳалла кадрларни сақлаб қолиш имкониятлари кенгайди, энг муҳими, фуқароларнинг келажакдаги ижтимоий ҳимояси янада мустаҳкамланади.

Бугун Германия, Нидерландия, Дания, Канада ва Австралия каби давлатларда кўп поғонали пенсия тизими самарали фаолият юритиб, аҳолининг муносиб турмуш даражасини таъминлашда алоҳида ўрин тутиб келмоқда. Бу тажриба Ўзбекистон учун ҳам муҳим аҳамият касб этади.

Давлатимиз раҳбари пенсия тизимига оид ҳар қандай ўзгариш миллионлаб инсонларга бевосита дахлдор эканини алоҳида таъкидлаб, ҳар бир тақфилни кенг жамоатчилик муҳокамасига қўйиш, унинг ижтимоий ва иқтисодий оқибатларини чуқур таҳлил қилиш зарурлигини қайд этди. Бу очиклик, шаффофлик ва халқ билан мулоқот тамойилларининг амалий ифодаси бўлиб, қабул қилинадиган қарорларнинг пухта ўйланган ва ҳаётий бўлишини таъминлайди.

Таъкидлаш жоизки, бугун бошланган пенсия ислохоти мамлакатимизда инсон капиталига инвестиция қиритиш, аҳолининг ижтимоий ҳимоясини янада кучайтириш, иқтисодий ўсш учун узок мудатли молиявий ресурсларни шакллантириш ва энг асосийси, инсон қадрини улуғлашга қаратилган стратегик аҳамиятга эга кенг қамровли ислохотдир.

Мазкур ўзгаришлар ўз самарасини бериши учун давлат, иш бевуқчилар ва фуқароларнинг ўзаро ҳамкорлиги, очик мулоқот ва жамоатчилик иштирокини таъминлаш муҳим аҳамият касб этади. Ана шунда пенсия тизими нафақат бугунги кекса авлодининг фаровон ҳаётига, балки келажак авлодларнинг ижтимоий барқарорлиги ва мамлакат иқтисодийнинг ривожланишига ҳам хизмат қилади.

Нонба ИНОЯТОВА,
Олий Мажлис Қонунчилик палатаси депутати.

ДАВЛАТ ВА ХАЛҚ ЎРТАСИДАГИ ИШОНЧ КЎПРИГИ

Бугун Янги Ўзбекистон тараққиёт стратегиясининг марказида инсон қадри, унинг ҳуқуқ ва мафаатлари, муносиб турмуш кечириши учун барча шароитларни яратиш ғояси турибди. Ана шу эзгу мақсадларни ҳаётга таъбиқ этишда маҳалла институтининг ўрни беқийс. Зеро, маҳалла — бу халқнинг давлат билан энг яқин мулоқот майдони, одамларнинг дарду ташвиши, орзу-интилишлари ва кундалик эҳтиёжлари мужассам бўлган ижтимоий макон.

Муносабат

Шу маънода, Президентимиз Шавкат Мирзиёев раҳбарлигида ўтказилган видеоселектор йиғилиши маҳалла тизимини мутлақо янги босқичга олиб чиқиш, уни фақат ижтимоий масалалар билан шугулланувчи институт эмас, балки иқтисодий тараққиёт, тадбиркорлик, бандлик, ижтимоий ҳимоя ва жамоат ҳафсизлигини таъминлайдиган самарали бошқарув бўлигига айлантиришга қаратилгани билан тарихий аҳамиятга эга.

Таъкидланганидек, кейинги йилларда маҳаллаларни қўллаб-қувватлашга мисли кўрилмаган даражада ресурслар сафарбар этилди. Аммо кўзланган натижага эришиш учун молиявий имконият ва ваколатнинг ўзи етарли эмас. Энг асосий омил — масъулият, ташаббускорлик ва натижа учун шахсий жавобгарлик. Давлатимиз раҳбарининг бу фикри давлат бошқарувида янги сифат босқичи-



ни белгилаб беради. Мажлисда тақдирланган рақамлар ҳам айрим маҳаллаларда муаммолар мавжудлигини кўрсатиб турибди. Хусусан, баъзи ҳудудларда мурожаатлар сонининг юқорилиги, "Ташаббусли бюджет" дастурида иштирокнинг пастлиги, микро-лоийҳалар ташкил этилмагани, эҳтиёжманд аҳолини иш билан таъминлашдаги камчиликлар, банклар ва маҳалла банкларларининг сўст ишлагани, мавжуд имкониятлардан тўлиқ фойдаланилмаётгани каби камчиликлар соҳада олиб борилаётган ислохотлар йўлидаги тўсиқлардир.

Тадбирда эҳтиёжманд аҳолини ижтимоий реестрга қиритишда йўл қўйилаётган камчиликлар қаттиқ танқид қилиниб, адолатли ва шаффоф тизимни таъминлаш

бўйича қатъий вазифалар белгиланди. Ногиронлиги бўлган шахслар, кексалар, болалар учун янги хизматларни маҳаллаларга тушириш, уйда парварши хизматларини йўлга қўйиш, "Фаол ҳаёт" ва "Мадад" дастурларини кенгайтириш инсон қадрини улуғлашга қаратилган ислохотларнинг амалий ифодаси экани бот-бот тақдорланди.

Йиғилишда белгилаб берилган вазифалар мамлакатимизда маҳалла институтини мутлақо янги босқичга олиб чиқади. Бу вазифаларнинг тўлиқ ва самарали ижроси аҳоли бандлигини таъминлаш, камбағалликни қисқартириш, тадбиркорликни ривожлантириш, ижтимоий адолатни мустаҳкамлаш ҳамда давлат билан халқ ўртасидаги ўзаро ишончини янада юксалтиришга хизмат қилади.

Асосийси, ҳар биримиз ушбу эзгу мақсадлар рўйбига муносиб ҳисса қўшимиз, маҳаллаларимизни тараққиёт, фаровонлик ва инсон қадри устувор бўлган масканларга айлантириш йўлида бирлашишимиз зарур. Зеро, давлатимиз раҳбарининг таъбири билан айтганда, кучли маҳалла — кучли жамоатнинг асоси, кучли жамоат эса Янги Ўзбекистоннинг буюк келажagini барпо этадиган энг мустаҳкам пойдевордир.

Мойра ТОШОВА,
Олий Мажлис Сенатининг Суд-ҳуқуқ масалалари ва коррупцияга қарши курашиш кўмитаси аъзоси.

ФУҚАРОЛИК ЖАМИЯТИ ИНСТИТУТЛАРИНИ ҚЎЛЛАБ-ҚУВВАТЛАШ МАСАЛАЛАРИ КЎРИБ ЧИҚИЛДИ

Муҳокама чоғида фуқаролик жамияти институтларини ривожлантиришнинг институционал асослари, давлат-жамият ҳамкорлигининг бугунги амалиёти, соҳада мавжуд муаммолар ҳамда уларни ҳал этишнинг амалий механизмлари юзасидан тақиф ва мулоҳазалар билдирилди.

Нодир ТИЛАВОЛДИЕВ, кўмита раиси ўринбосари: — Давра суҳбатида мавзуга оид маърузаларнинг тақдирини, мамлакатимизда тўпланган миллий тажриба ҳамда соҳани янада ривожлантиришнинг устувор йўналишлари атрофлича таҳлил этилди. Ишонаманки, мазкур мулоқот давлат ва жамият ўртасида ўзаро ишонч ва масъулиятга асосланган ҳамкорлик муҳитини янада мустаҳкамлашга, жамоатчилик ташаббусларини қўллаб-қувватлашга ҳамда фуқаролик жамияти институтларининг мамлакат тараққиётидаги ўрнини янада юксалтиришга хизмат қилади.

Тадбир якунида давлат органлари ва фуқаролик жамия-

яти институтлари ўртасидаги очик мулоқотни янада ривожлантириш, ижтимоий шерикликни мустаҳкамлаш, жамоатчилик ташаббусларини қўллаб-қувватлаш ҳамда ушбу жараёнларда парламент иштирокини кучайтиришга қаратилган тақиф ва тавсиялар ишлаб чиқилди.

Қонунчилик палатасида, шунингдек, Коррупцияга қарши курашиш ва суд-ҳуқуқ масалалари, Бюджет ва иқтисодий масалалар, Халқро ишлар, мудофаа ва ҳавфсизлик масалалари кўмиталарининг ишчи гуруҳлари йиғилишлари ҳам бўлиб ўтди. Уларда "Наркотиклар ва кучли таъсир қилувчи моддалар тўғрисида"ги, "Капитал бозори тўғрисида"ги, миграция соҳасидаги қонунчиликни такомиллаштиришга оид қонун лойиҳалари қизгин муҳокама этилди.

Меҳнат, соғлиқни сақлаш ва ижтимоий масалалар кўмитаси аъзоларининг аҳолини ижтимоий ҳимоя қилиш ва пенсия таъминотини амалга оширувчи ташкилотлар мутасаддилари билан учрашуви ҳам самарали ташкил этилиб, қатор тақиф ва тавсиялар ишлаб чиқилди.

«Халқ сўзи».

МАҲАЛЛА — ИМКОНИЯТЛАР МАРКАЗИ

Давлатимиз раҳбари раислигида куни кеча ўтказилган видеоселектор йиғилиши маҳалла тизимини ривожлантиришда янги босқични бошлаб берди. Унда маҳаллаларга янгича муҳит олиб кириш, "маҳалла еттилиги" фаолиятини қайта ташкил этиш, аҳоли муаммоларига жойида ечим топиш ҳамда қўйи бўйин раҳбарларининг масъулиятини ошириш масалалари танқидий-таҳлилий муҳокама қилинди.

Акс садо

Илгари сурилган муҳим ғоялардан бири шу бўлдики, маҳалла энди фақат аҳоли муаммоларини юқори ташкилотларга етказувчи ёки ижтимоий ёрдамларни тақсимловчи тизимга бўлиб қолмаслиги керак. У одамлар учун чинакам ишонч, таянч ва имкониятлар марказига, маҳалла раиси эса ўз ҳудудининг ҳақиқий бошқарувчисига айланиши зарур. Бу ёндашув давлат бошқарувидаги оддий ваколат тақсимиоти эмас, аксинча, ислохотлар марказини республика ва вилоят идораларидан маҳалла даражасига олиб тузиш, аҳолининг кундалик турмушига таъсир этадиган қарорларни одамларга энг яқин нуктада қабул қилишни аңглатади.

Таъкидланганидек, ҳудуддаги масалаларни ҳал этиш учун ҳокимда ҳам, маҳалла раисида ҳам, "еттилик"нинг ҳар бир вакилида ҳам ресурс ва ваколатлар етарли.

Яқин йилларга қадар маҳалланинг барқарор ва мустақил молиявий манбалари чекланган эди. Маҳалла раиси кўп ҳолларда ҳудуддаги муаммони биладиган, аммо уни ҳал этиш учун етарли маблағ ва иқтисодий механизмга эга бўлмаган жамоатчилик вакили сифатида фаолият юритарди. Маҳаллада ички йўлни таъмирлаш, кўчани ёритиш, ҳудудни ободонлаштириш ёки кичик инфратузилма объектини барпо этиш учун туман идоралари ва турли ташкилотларга қайта-қайта мурожаат қилишга мажбур бўларди. Бу эса масалалар ечимининг чўзиллишига, аҳолида маҳаллага нисбатан ишончнинг пасайишига олиб келар эди.

2024 йил 1 январдан бошлаб барча ту-



ман ва шаҳарларда "Маҳалла бюджети" тизими жорий этилди. Унга мувофиқ, ҳисмоний шахслардан ундириладиган мол-мулк ва ер солигининг 10 фоизи, маҳалла идоралари орқали кўрсатиладиган давлат хизматлари йиғимларининг бир қисми, маҳалла мулкчини ижарага бериш ва айрим давлат объектларини аукцион орқали сотишдан тушадиган маблағлар маҳалланинг ижтимоий-иқтисодий муаммоларини ҳал этиш жамағармасига йўналтирилиши белгиланди.

Шу тариха маҳалла илк бор ўзининг доимий молиявий манбаларига эга бўла бошлади. Энди эса ушбу тизим янада кенгайтирилмоқда. Маҳалладаги нотузар маблағлардан тушадиган ер ва мол-мулк солигининг 5 фоизи ҳам маҳалланинг ўзига қолдирилади. Бунинг ҳисобига маҳаллалар иҳтиёрида йилгига қўшимча 400 миллиард сўм маблағ шаклланиши кутулиммоқда.

Янги ташаббуслар натижасида маҳалла бюджетларига тушум жорий йилда 1 трлн. 600 млрд. сўмга, келаси йилдан эса 2 трлн. сўмга етиши белгиланган. Бу маблағ маҳалланинг иқтисодий мустақиллигини ошириш билан бирга, раис ва "еттилик" зиммасига янада катта масъулият юклайди.

Йиғилишда маҳалла банкларининг иш услубини тубдан ўзгариштириш масаласига ҳам алоҳида эътибор қаратилди. Энди банкир маҳаллада кредит олиш истагида бўлган фуқароларни кутиб ўтирмаслиги керак. У

ҳудуднинг "ўсиш нуктаси"ни аниқлаш, ташаббускорларни топиш, аҳолига даромад келтирадиган лойиҳаларни шакллантириш ва уларни молиявий ресурс билан таъминлаш зарур. Бундан бунд бир нафар маҳалла банкирига кўпи билан учта маҳалла бириктирилиши белгиланди. Бу банкирга ҳар бир ҳудуднинг иқтисодий имкониятини чуқур ўрганиш, хонадонлар ва тадбиркорлар билан мунтазам ишлашга шароит яратади.

Маҳалла банкири ҳудуддаги корхона ва банк миҳозларида мавжуд бўш иш ўринларини, ҳодимларга қўйиладиган касбий талабларни аниқлайди. Шундан кейин иш-сино аҳолини керакли касбларга ўқитиш бўйича бандлик бўлимига бюуртма беради ва ўқувни тамомлаган фуқароларнинг ишга жойлаштирилиши таъминлайди.

Жорий йилнинг "Маҳаллани ривожлантириш ва жамиятни юксалтириш йили" деб эълон қилиниши ҳам бежиз эмас. Барча соҳаларда амалга оширилаётган ислохотлар натижаси, аввало, маҳалладаги муҳитда ва одамларнинг қайфиятида сезилимоқда.

Бу жараёнда халқ вакиллари — Олий Мажлис Қонунчилик палатаси депутатлари ҳамда маҳаллий Кенгашлар депутатларининг иштироки алоҳида аҳамият касб этади. Чунки депутатлар давлат сиёсати билан аҳоли эҳтиёжлари ўртасидаги муҳим кўприк вазифасини бажаради.

Депутатларнинг маҳалладаги асосий вазифаларидан бири — сайловчилар билан мунтазам мулоқотда бўлиш орқали муаммолар, тақиф ва ташаббусларни ўрганиш ҳамда уларни қонунчилик ва ижро ҳокимиятига етказиш. Бу эса қабул қилинаётган қонунларнинг ҳаётийлиги ва амалий аҳамиятини оширишга ҳисса қўшади.

Шунингдек, депутатлар маҳаллаларда амалга оширилаётган давлат дастурлари, Президент фармон ва қарорлари, қонунлар ижроси устидан парламент ва депутатлик назоратини амалга оширмоқда. Айниқ-

са, камбағалликни қисқартириш, аҳоли бандлигини таъминлаш, ижтимоий хизматлар сифатини яхшилаш, инфратузилмани ривожлантириш ҳамда ҳуқуқбузарликлар профилактикаси бўйича олиб борилаётган ишлар юзасидан ўрганишлар ўтказиб, масъул ташкилотлар олдиға аниқ вазифалар қўяди.

Маҳаллада жамоатчилик назоратини кучайтиришда ҳам депутатларнинг ўрни муҳим. Улар фуқаролар йиғини, жамоатчилик ва фуқаролик жамияти институтлари билан ҳамкорликда очик мулоқотлар, сайёр қабуллар ва ўрганишлар ташкил этиб, аҳолини қийнаётган масалаларнинг ечимини топишга кўмаклашади.


Бундан ташқари, депутатлар қонунларнинг мазмун-моҳиятини аҳолига тушунтириш, ҳуқуқий маданиятни ошириш, фуқароларнинг қонун ижодкорлиги жараёнидаги иштирокини таъминлаш орқали маҳаллаларда ҳуқуқий онг ва фаол фуқаролик позициясини шакллантиришга муносиб ҳисса қўшмоқда.

Айниқса, қонун лойиҳаларини муҳокама қилиш жараёнида маҳаллалардаги учрашувлар, фуқароларнинг фикр ва тақфилларини йиғиш амалиёти қонунларнинг халқчил ва ҳаётий бўлишини таъминламолда. Бу эса "Инсон қадри учун" тамойилининг амалий ифодаси ҳисобланади.

Маҳаллага ваколат, маблағ ва замонавий механизмлар берилди. Энди асосий вазифа — уларни одамлар манфаати, ҳудуд тараққиёти ва жамият фаровонлиги йўлида самарали ишлатиш. Маҳалла раиси ўз ҳудудининг ҳақиқий бошқарувчисига, "маҳалла еттилиги" ягона мақсад асосида ишлайдиган жамоага, маҳалла бюджети эса аҳоли муаммоларини ҳал этишнинг таъсирчан молиявий воситасига айлانгандагина маҳалла чин маънода одамлар учун ишонч, таянч ва имкониятлар маркази бўлади.

Абдулло АСПОНОВ,
Олий Мажлис Қонунчилик палатаси депутати.

Ўзбекистон Иқтисодий ҳамкорлик ва тараққиёт ташкилотининг (қароргоҳи Париж шаҳрида) Солиқ ишлари бўйича ўзаро маъмурий ёрдам тўғрисидаги конвенциясига қўшилди.



халқаро рейтинг ва индексларда юқори баҳоланмоқда

Ўзгаришлар меваси

Бугунги кунда жаҳонда кечаётган геосийёсий кескинлик, савдо урушлари, иқтисодий протекционизмнинг кучайиши, энергетика ва озик-овқат бозорларидаги беқарорлик, молия бозорларидаги мавҳумлик ҳамда глобал инфляция босими жаҳон иқтисодиёти учун жиддий синов бўлиб қолмоқда. Қўтилмаган бундай ўзгаришлар халқаро иқтисодий муносабатларнинг янги қоидаларини шакллантирмоқда ва ҳар бир давлатдан иқтисодий барқарорликни таъминлаш бўйича мутлақо янгича ёндашувларни талаб этмоқда.

Ана шундай мураккаб ва таҳликали шaroитда Янги Ўзбекистон ўз тараққиёт йўлини изчил давом эттириб, иқтисодий ўсиш суръатларини сақлаб қолаётган саноатли давлатлар қаторига кирди. Энг муҳими, бу натижалар қўлай таъкидлашга ёрдам берди. Бу борада давлатимиз раҳбари таъкидлаганидек, “жаҳон микросида ишлаб чиқариш ва транспортлогистика занжирлари узилган, хомашё ва молиявий ресурслар нархи кескин ошган шaroитда ҳам мамлакатимиз иқтисодиёти ишончли ва барқарор ўсишда давом этмоқда”. Айнан шу барқарорлик бугун халқаро рейтинг агентликлари, нуфузли молиявий институтлар ва хорижий инвесторлар томонидан ҳам эътироф этилмоқда.

Хусусан, 2026 йил июнь ойида “Fitch Ratings” Ўзбекистоннинг узоқ муддатли суверен кредит рейтингини “BB” даражасида тасдиқлаган ҳолда, унинг прогностини “барқарор”дан “ижобий”га ўзгартирди. Бу бир қарашда техник баҳолашдек туюлиши мумкин. Аслида эса мазкур қарор халқаро молия бозорларига Ўзбекистон иқтисодиётининг барқарорлиги ва амалга оширилаётган ислохотларнинг изчиллиги ҳақида берилган муҳим сичилдир.

Прогностнинг “ижобий”га ўзгариши келгусида мамлакат кредит рейтингини яна бир поғона юқорилаштириши мумкинлигини аңглатлади. Бу эса халқаро молия бозорларида давлат, банклар ва йирик компаниялар учун молиявий ресурсларни нисбатан арзон шартларда жалб қилиш имкониятини кенгайтиради, инвесторлар ишончини янада мустаҳкамлайди ва мамлакатнинг инвестициявий жозибадорлигини оширади.

Албатта, халқаро рейтинглар бир кунда яхшиланмайдми. Улар йиллар давомида олиб борилган тизимли ислохотлар, макроиқтисодий барқарорлик, давлат бошқарувининг самарадорлиги, қонун устуворлиги ва ҳусусий сектор ривож бўйича эришилган натижаларнинг йиғиндисиди сифатида шаклланади. Қувонарли жиҳати, халқаро молия институтларининг прогностлари ушбу ижобий тенденция узоқ муддатли ақанини қўрсатмоқда. Евроосиё тараққиёт банки баҳолашига кўра, 2026 йилда Ўзбекистон иқтисодиёти 7,9 фоизга ўсади. Бу пандемиядан кейинги тикланиш даврини ҳисобга олмганда, сўнгги ўн йилликдаги энг юқори иқтисодий ўсиш суръатларидан бири бўлади. Кейинги йилларда ҳам бу динамика сақланиб, 2027 йилда ялпи ички маҳсулотнинг 6,9 фоизга, 2028 йилда эса

6,5 фоизга ўсиши прогност қилинмоқда.

Уларнинг негизида юқори ички талаб, инвестиция фаолиятининг жадаллашуви, саноат ва қурилиш тармоқларида ишлаб чиқариш ҳажмларининг ортиши, рақамли иқтисодиётнинг ривожланиши, экспорт салоҳиятининг кенгайиши ҳамда ҳусусий секторнинг иқтисодиётдаги улушини оширишга қаратилган изчил ислохотлар муҳассам. Бу эса Янги Ўзбекистоннинг иқтисодий тараққиёт модели қисқа муддатли натижаларга эмас, балки узоқ муддатли барқарор ўсиш ва халқаро рақобатбардошликни таъминлашга хизмат қилаётганини аңглатида.

Иқтисодий эркинлик

Иқтисодий эркинлик бугунги кунда мамлакат рақобатбардошлиги ва инвестициявий жозибадорлигини белгилаб берувчи асосий омиллардан бири ҳисобланади. Шу боис дунёда кенг эътироф этилган “Index of Economic Freedom” рейтингидagi натижалар халқаро инвесторлар, молия институтлари ва бизнес доиралари учун муҳим мезон вазифасини ўтайди. Ушбу рейтингда ҳусусий мулк дахлсизлиги, тадбиркорлик ва инвестиция эркинлиги, савдо сиёсати, давлатнинг иқтисодиётга аралашув даражаси ҳамда молиявий бозорлар фаолияти каби муҳим қўрсаткичлар комплекс баҳоланади.

2025 йил ян кунлари бўйича Ўзбекистон мазкур рейтингда 58 балл билан 100-ўринни эгаллади. Бу натижа мамлакатимизда иқтисодиётни либераллаштириш, ҳусусий секторни қўллаб-қувватлаш ва ишбилармонлик муҳитини яхшилаш борасида амалга оширилаётган ислохотлар халқаро микросида эътироф этилаётганини аңглатида. Шу боис айни пайтда мазкур рейтингда янада юқори поғоналарга кўтарилиш учун иқтисодиётда давлат иштирокини қисқартириш, рақобат муҳитини кучайтириш, ҳусусий мулк ҳуқуқини янада ишончли ҳимоя қилиш ва инвестициявий муҳитни янада яхшилаш чора-тадбирлари кўриляпти.

Чунончи иқтисодий эркинликнинг юксалиши фақат халқаро рейтингдаги ўриннинг яхшиланишини эмас, энг аввало, мамлакатга янги инвестициялар кириб келиши, замонавий ишлаб чиқариш қувватлари барпо қилиниши, янги иш ўринлари яратилиши ва аҳоли фаровонлигининг изчил ўсишини таъминлайди. Шу маънода, юртимизда қонун устуворлигини таъминлашга қаратилган ортга қайтмас ислохотлар халқаро ҳамжамият томонидан ҳақли равишда эътироф этиляпти.

Ҳап шундаки, “The World Justice Project” томонидан эълон қилинадиган Ҳуқуқ устуворлиги индексида Янги Ўзбекистондаги қонун устуворлиги, коррупцияга қарши кураш самарадорлиги, суд-ҳуқуқ тизимининг мустақиллиги, давлат органлари фаолиятининг шаффофлиги, жамоат ҳавфсизлиги ҳамда инсон ҳуқуқ ва эркинликларининг таъминланиши даражаси тобора юқорилаб бораёпти. 2025 йил якунларида кўра, ушбу индексда Ўзбекистон дунёнинг 142 та давлати орасида 81-ўринни эгаллагани фикримиз тасдиғи.

Юксалишнинг муҳим мезони

“Transparency International” халқаро ташкилотининг Коррупцияни қабул қилиш индекси халқаро майдонда энг нуфузли рейтинглардан бири сифатида эътироф этилади. Сабаби коррупцияга қарши кураш самарадорлиги мамлакатнинг инвестициявий жозибадорлиги, давлат бошқаруви сифати ва жамиятнинг давлат институтларига бўлган ишончини баҳоловчи муҳим кўрсаткич ҳисобланади. Индекс давлат секторида коррупциянинг қабул қилиниши даражасини 0 дан 100 баллгача баҳолайди: балл қанчалик юқори бўлса, коррупция даражаси шунчалик паст деб ҳисобланади.

Сўнгги йилларда Ўзбекистонда коррупцияга қарши мурасасиз курашиш, давлат хизматларини рақамлаштириш, давлат харидларининг очиклиги ва давлат бошқарувида шаффофликни таъминлашга қаратилган инқилобий ислохотлар амалга оширилмоқда. 2025 йил якунларига кўра, Ўзбекистон Коррупцияни қабул қилиш индексида 180 давлат орасида 121-ўринни эгаллади. Бу натижа мазкур йўналишда ҳали бажарилиши лозим бўлган вазифалар мавжудлигини кўрсатса-да, коррупциянинг олдинчи олиш, давлат бошқарувида очиклик ва ҳисобдорликни кучайтириш ҳамда рақамли бошқарув механизмларини кенг жорий этиш бўйича изчил ислохотлар мамлакатнинг халқаро нуфузини янада юксалтиришга хизмат қилиши, шубҳасиз.



Инсон тараққиёти

Бугунги кунда мамлакатлар тараққиёти нафақат иқтисодий ўсиш суръатлари, балки инсоннинг муносиб ҳаёт кечириши, сифатли таълим ва тиббий хизматдан фойдаланиши, муносиб даромад манбаига эга бўлиши ҳамда ўз салоҳиятини тўлиқ рўёбга чиқариши учун яратилган имкониятлар билан ҳам баҳоланади. Ана шу жиҳатларни ўзида муҳассам этувчи Инсон тараққиёти индекси БМТ Тараққиёт дастури томонидан ҳар йили эълон қилинадиган энг муҳим халқаро рейтинглардан бири ҳисобланади.

Таъкидлаш кераки, сўнгги йилларда мамлакатимизда амалга оширилаётган ислохотлар марказига инсон қадрини кўтариш масаласи кўчди. Аввало, Конституциямизда Ўзбекистоннинг ижтимоий давлат экани мустаҳкамлаб қўйилди. Таълим, соғлиқни сақлаш, ижтимоий ҳимоя, аҳоли бандлигини таъминлаш, камбағалликни қисқартириш, хотин-қизлар ва ёшларни қўллаб-қувватлашга қаратилган ҳаётий дастурлар айнан инсон капиталини юксалтиришга қаратилган. Бу эса мамлакатнинг барқарор иқтисодий ўсиши ва халқаро рақобатбардошлигининг энг муҳим омилли сифатида намоён бўлмоқда.

2025 йил якунларига кўра, Ўзбекистон Инсон тараққиёти индексида 193 та давлат орасида 107-ўринни эгаллагани мамлакатимизда инсон манфаатларини таъминлаш, аҳоли турмуш сифатини ошириш ва ижтимоий давлат тамойилларини қарор топтириш йўлида олиб борилаётган ислохотларнинг изчил давом этаётганини тасдиқлайди, албатта.



Акмал АБДУРОВОХИДОВ, Гулiston давлат университети доценти.



Мамажон МАМАТОВ, Тошкент давлат иқтисодиёт университети доценти.

Рақамли трансформация

Рақамли технологиялар жадал ривожланаётган бугунги шaroитда давлат хизматларининг тезкорлиги, очиклиги ва аҳоли учун қўлайлиги мамлакат тараққиётининг муҳим мезонларидан бирига айланган. Шу боис юртимизда рақамли иқтисодиётни ривожлантириш, давлат хизматларини электрон шаклга ўтказиш, давлат органлари ўртасида маълумотлар алмашинувини йўлга қўйиш ва аҳоли ҳамда тадбиркорлар учун электрон хизматлар қўламини кенгайтириш ишлари кўлами тобора ортмоқда. Бу давлат бошқарувининг самарадорлиги ва шаффофлигини ошириш, фуқаролар учун вақт ва харажатларни қисқартиришга хизмат қилмоқда.

Ушбу йўналишда БМТ киритилаётган ютуқлар Кўлга томонидан эълон қилинадиган Электрон ҳукумати ривожлантириш индексида ўз ифодасини топаётми. 2025 йил якунларига кўра, Ўзбекистон мазкур индексда 195 та мамлакат орасида 63-ўринни эгаллади. Бу натижа мамлакатимизда рақамли трансформация жараёни изчил амалга оширилаётганини тасдиқлайди. Навбатдаги вазифа эса суный интеллект, катта маълумотлар ва замонавий рақамли ечимларни давлат бошқарувида кенг жорий этиш, электрон хизматлар сифатини янада ошириш ҳамда рақамли инклюзивлигини таъминлаш орқали Ўзбекистоннинг ушбу рейтингдаги позицияларини янада мустаҳкамлашдан иборатдир.

Жадал ривожланаётган мамлакат

Барқарор ривожланиш мақсадлари индекси мамлакатларнинг БМТ томонидан белгиланган 17 та Барқарор ривожланиш мақсадларига эришиш даражасини баҳоловчи энг нуфузли халқаро рейтинглардан бири. Ушбу рейтинг давлатнинг иқтисодий ўсиши билан бир қаторда аҳоли фаровонлиги, ижтимоий ҳимоя, сифатли таълим, соғлиқни сақлаш, гендер тенглиги, экологик барқарорлик ва институтлар ривожланиш соҳаларидаги натижаларини ҳам акс эттиради.

2025 йил якунларига кўра, Ўзбекистон мазкур индексда 73 балл тўғрлаб, 167 та давлат орасида 62-ўринни эгаллади. Энг муҳими, мамлакатимиз бир йил ичида 19 поғона юқорига кўтарилиди ҳамда 2015 йилдан буён Марказий Осиё

Бугунги дунёда давлатларнинг келажаги улар қанча табиий бойликка эгалиги билан эмас, балки қанча билим ярата олиши, инновацияларни ҳаётга жорий қилиши ва инсон капиталига сармоя киритиши билан белгиланади. Шу маънода, Ўзбекистоннинг халқаро рейтинг ва индекслардаги эртанги ўрни ҳам айнан илмга асосланган тараққиёт модели, рақобатбардош инсон капитали ва самарали давлат бошқарувини шакллантиришдаги муваффақиятларига боғлиқ бўлади. Зеро, халқаро рейтинглардаги юксалишнинг энг ишончли йўли рақамларни эмас, уларнинг замирида турган сифат кўрсаткичларини яхшилашдан бошланади. Янги Ўзбекистоннинг иқтисодий тараққиёт моделида ана шу мақсад-муддаолар муҳассам эканлиги билан ғоятда аҳамиятлидир.

димоголар ачишадиган синфхоналар шундоқ кўз ўнгимда турибди-да. Шу ғап сабаб яқинда Шофирконга ўтдик. Туман марказий ўйингоҳи ва

Давлат хизматлари маркази биноси ёнида кўркам бир иншоот қад ростлагани ҳали кўп вақт бўлган эмас. Пештоқига “Ёшлар маркази” ёзуви туширилган бу бино “Open budget” умуммиллий лойиҳаси асосида барпо этилибди. Унда замонавий ахборот технологиялари сир-асоридан хабардор бўлиш, роботехника йўналишида сабоқ олиш, қатор спорт тўғрларида жисмонан ва ақлан

чиникиши имконияти яратилган. Икки мингдан зиёд китоблар фондига эга “Book safe”ни айтмайсизми? — “Заковат клуби” машғулотларини ҳам йўлга қўйиш тараддудидамиз, — дейди Ёшлар ишлари агентлиги туман бўлими бошлиғи Сурхоб Абдуллаев. — Илгари мослаштирилган бинода фаолият олиб борилгани туфайли имкониятлар чекланган эди. Эндиликда ахвол тамоман яхши томонга ўзгарди. Ўғил-қизлар истеъдодини юзага чиқариш, уларнинг бўш вақтларини мазмунли ўтказиш, ў ёки бу касб борасида маълум бир кўникмага эга бўлиш учун барча шарт-шароит мавжуд.

Туманда айни дамда 14 — 30 ёш оралиғидagi

Истам ИБРОҲИМОВ («Халқ сўзи»).

ЯНГИЛИКЛАР хабарлар

ТАФСИЛОТЛАР

Ёшлар учун муносиб тўхфа

Қашқадарё вилоятида ёшлар бўш вақтини мазмунли ўтказиши, илм-фан, санъат ва ижод билан шуғулланиши, турли ихтиролар яратиши, медиаконтентлар тайёрлаши учун замонавий имкониятларни ўзида муҳассам этган қатор объектлар фойдаланишга топширилди.



Улардан бири — Қарши тумани марказида қад ростлаган “Ёшлар маркази”. Қарийб 6,3 млрд. сўм маблағ эвазига барпо этилган ушбу бинода кутубхона, “Book Cafe”, “Coworking” ҳудудлари мавжуд, навқирон авлод вақиллари томонидан турли лойиҳалар амалга оширилади.

Қарши шаҳридаги Медиамарказ ҳам ёш ижодкорлар ва контент яратувчиларни қўллаб-қувватлашга қаратилган яна бир муҳим лойиҳа бўлди. Унда фото ва видео-контентлар тайёрлаш, подкаст ва интервьюлар ёзиб олиш, анжуманлар ташкил этиш, график дизайн, SMM ва рақамли маркетинг йўналишларида ишлаш, медиа саводхонлиги, суный интеллект технологияларига бағишланган ўқув-семинарлар ўтказиш учун барча шарт-шароит ҳозирланган.

Ушбу объектларнинг тантанали очилиш маросимида вилоят, туман, шаҳар ҳокимликлари масъуллари, фаол ёшлар ҳамда кенг жамоатчилик вақиллари иштирок этди.

Жаҳонгир БОЙМУРДОВ («Халқ сўзи»).

30 йиллик орзу рўёби

Зафаробод туманидаги “Чимкўрғон” маҳалла фуқаролар йиғинига қарашли Балиқчи қишлоғига Чимкўрғон сув узатиш иншоотидан қарийб 10 километр узунликда, диаметри 160 миллиметр бўлган полиэтилен қувурларни тортиш ишлари олиб борилмоқда. Бу қишлоқ аҳлининг 30 йиллик ордуси рўёбга чиқишидан далолат беради.




— Биз шу вақтга қадар қишлоғимизга яқин ҳудуддан олиб ўтилган қувурдан чиқарилган битта умумий жўмракдан ичиш учун сув олардик. Энг ачинарлиси, у ҳам ёз бошлари дегунда қуриб қоларди, — дейди Балиқчи қишлоғи фаоли Зиядулла Усмонов. — Шу масалада йиллар давомида қанча жойларга ариза ёздик, шикоят қилдик. Ниҳоят муаммо тингланди ва ҳал этиладиган бўлди. Ичимлик суви тармоғи тортила бошланганидан жуда маънуниэм.

Лойиҳа бўйича Балиқчи қишлоғидаги 120 тадан ортиқ хонадонларда истикомат қилаётган аҳоли марказлашган ичимлик суви билан тўлиқ таъминланади. Бу “Инсон қадири учун” тамойили асосида чекка ҳудудларда ҳам аҳоли турмуш тарзини яхшилаш, мавжуд муаммоларга барҳам бериш борасида тизимли ишлар амалга оширилаётганининг намоёнидир.

Толибжон ЭРГАШЕВ («Халқ сўзи»).

Бешариклик пайвандчи аёл

“Аёллар дафтари” рўйхатига киритилган бешариклик Ойнахон Абдуллаева имтиёзли кредит олиб, ўзининг тадбиркорлик фаолиятини йўлга қўйди. Натижада оила бекаси иш изловчидан иш берувчига айланди. Айни пайтда унинг кичик пайвандлаш цехида 5 нафар ишчи ва хунар ўрганаётган ёшлар меҳнат қилмоқда. Ростки, эркакларга хос оғир юмушни аёл ўта чакқонлик билан бажараётганини қўриб, ҳайратингизни яширолмай қоласиз.



— Интилиш ва яратиш бор жойда барака бор. Ҳар куни ўнлаб турдаги уй-рўзгор буюмлари, хусусан, йилнинг барча мавсумида фойдаланиш мумкин бўлган қийим илгич ва гулдонлар тайёрлаб, бозорга чиқарамиз, — дейди О. Абдуллаева. — Маҳсулотларимизга талаб юқори, бунга қўшимча равишда йирик буюртмаларни ҳам бажаряпмиз.

Этиборлиси, кичик цехда тадбиркор аёл бошчилигида тайёрланаётган уй-рўзгор буюмлари эндиликда мамлакатимизнинг бошқа ҳудудлари, жумладан, Тошкент шаҳрига ҳам етказиб берилмоқда.

Тадбиркор бўлиш истагидagi опа-сингилларимизнинг ташаббуси ҳар томонлама қўллаб-қувватланаётгани туфайли оилаларнинг турмуш шароити яхшиланяпти. Маҳаллаларда янги иш ўринлари очилиб, айниқса, ёшлар учун хунар ўрганиш имконияти кенгаймоқда.

Ботир МАДИЁРОВ («Халқ сўзи»).

«Ёшлигимга қайтгим келади...»

Олим ота Файзиев кўп йиллардан буён Бухоро шаҳрида истикомат қилади. Аммо ҳафта — ўн кун деганда Шофирконга — ўзи туғилиб ўсган қадрдон қишлоғига йўл олади. Туман марказидаги чойхоналардан бирида ошоналари билан гурунглашмаса, кўни-кўшниллардан ҳол-аҳвол сўраб қайтмаса, кўнгли жойига тушмайди. Ҳар ғал учрашганимизда ғани яхши хабардан бошлайди.



Қўлайлик



— Ука, бир Шофирконга ўтинг, — деб қолди яқинда отахон. — Ўзгаришлар кўп. Тунов кўни пештоқида “Ёшлар маркази” деб ёзиб қўйилган бино олдида ўтаётми кўнглим аланчечук бўлиб кетди. Марказимиз марказ бўлибди. Бейхитёр болалигим эсимга тушди. Томида чакки ўтадиган, поли гижирлайвериб асабга тегадиган, қишда ёқилган қўлбола печ тутунидан



ТОЗА ҲАВО – МУСАФФО ҲАЁТ КАФОЛАТИ

ёки Сирдарёда барпо этилаётган 84 километрлик «яшил девор»нинг аҳамияти хусусида



Иқлим ўзгариши, шомол эрозияси, тупроқ деградацияси ва чўлланиш каби жараёнлар долзарб экологик масалаларга айланмоқда. Хусусан, табиий иқлим шароити жиҳатидан чўл ҳудудларига туташ минтақада жойлашган Сирдарё вилоятида шомол таъсирида тупроқнинг унумдор қатлами йўқолиши, чанг кўчишининг ортиши ва ер ресурслари ҳолатининг ёмонлашиши хавфи мавжуд. Шу боис кейинги йилларда ҳудудда экологик мувозанатни таъминлашга қаратилган кенг кўламли ишлар амалга ошириляпти.

Табиат ва биз

Айниқса, Президентимиз ташаббуси билан Сирдарё вилоятида 84 километр узунликда «яшил девор» барпо этиш бошлангани бу борадаги йирик лойиҳалардан ҳисобланади.

— Ушбу ташаббус шомол эрозияси ва чанг-тўзонларнинг салбий таъсирини камайтириш, тупроқни муҳофаза қилиш, биохилмаҳилликни сақлаш ҳамда аҳоли учун соғлом экологик барқарор муҳит яратишга хизмат қилиши билан муҳим аҳамиятга эга, — дейди Сирдарё вилояти Экология ва иқлим ўзгариши бош бошқармаси бошлиғи Дилшод Элмуродов. — Энг муҳими, бу лойиҳа келажақ авлодлар учун экологик барқарор муҳит яратиш воситаси бўлади. «Яшил девор» яратиш учун вилоят ҳокимининг тегишли қарори асосида Сирдарё, Мирзаобод, Ховос ва Оқолтин туманлари ҳудудларидан Сирдарё давлат ўрмон хўжалигига 158,7 гектар ер майдони ажратилди. Экология ва иқлим ўзгариши бош бошқармаси томонидан лойиҳа ижроси билан боғлиқ ишлар мувофиқлаштирилиб, ер майдонларини белгилаш, электрон хариталар тайёрлаш, лойиҳалаштириш ҳамда кўчат экиш ишлари мониторинг қилиб борилмоқда.

Табиий қалқон

Президентимизнинг 2026 йил 25 мартдаги «Атмосфера хавоси сифатини яхшилашга қаратилган «Тоза ҳаво» умуммиллий лойиҳасини амалга ошириш бўйича чора-тадбирлар тўғрисида»ги Фармони асосида Сирдарё ва Сурхондарё вилоятларида чанг ва қум бўронларига қарши ашил химоя тўсиқлари барпо этиш вазифаси белгиланди. Мазкур топширик ижросини таъминлаш мақсадида «Яшиллойиҳа» лойиҳалаш институти томонидан Сирдарё вилояти учун махсус «Яшил белбоғ» лойиҳаси ишлаб чиқилди.

— Бу оддий кўкаламзорлаштириш эмас, — дейди «Яшиллойиҳа» лойиҳалаш институти Объектларни комплекс лойиҳалаш бошқармаси бошлиғи Саиджон Ҳолбўтаев. — Лойиҳа шомол тезлигини пасайтириш, чанг ва қум кўчишини камайтириш ҳамда қишлоқ хўжалиғи ерлари, аҳоли пунктлари ва транспорт инфратузилмасини муҳофаза қилишга қаратилган муҳандислик-экологик тизим ҳисобланади. Унинг доирасида 26 744 туп дарахт экиш режалаштирилган. Химоя ҳудудлари шомол ва чанг бўронларига энг кўп дўч келадиган Мирзаобод, Оқолтин ва Ховос туманларида ташкил этилмоқда.

Шунингдек, лойиҳалаш институтидан маълум қилинишича, «Яшил химоя камари» яшил девор эмас, балки турли баландликтаги кўп қаватли дарахтзор тизимидир. Пастки ярус қум ва чангни ушлаб қолса, баланд дарахтлар асосий ҳаво оқимини сусайтиради. Бу эса чанг кўчиши ва шомол эрозиясини камайтириш ва тупроқ унумдорлигини сақлайди. Лойиҳада пахана қайрағоч, қалин қайрағоч, Пенсильвания шўмтоли, Шарк жийдач, тут ва япон софораси каби Сирдарё иқлимга мос турлар танланган. Уларнинг барчаси қурғоқчилик ва қучли шомолларга чидамли, чанг ҳамда қисман шўрланган тупроқларга яхши бардош беради. Ривожланган илмиз тизими тупроқни мустаҳкамлайди, қалин шох-шаббалари эса ҳаво оқимининг тезлигини самарали пасайтиради ва шомол олиб келадиган зарарчаларни ушлаб қолади. Бир вақтнинг ўзига қатор дарахт турларидан фойдаланиш яхши минтақани касалликлар, зараркунандалар ва ноқулай иқлим шароитларига чидамлироқ қилади.

Лойиҳанинг самарадорлиғи экилган дарахтлар сони билан эмас, балки уларнинг қўқариши ва кейинги ривожланиши билан белгиланади. Шунинг учун тупроқни тайёрлаш, сугоришни таъминлаш, агротехник парваршиш, ёш ўсимликлар химояси ва дарахтзорлар ҳолатини доимий назорат қилишга катта эътибор қаратилмоқда. Дарахтлар

ўсиши билан унинг самарадорлиғи доимий равишда ошиб боради. Чанг ва қум ушлаб қолинади, тупроқнинг унумдор қатлами шомолдан химояланади, микроклим яхшиланади ва биохилмаҳилликни сақлаш учун шароит яратилади.

Иқлимга мос дарахт кўчатлари етиштирилади

«Яшил белбоғ» лойиҳаси экологик лойиҳалашга замонавий ёндашувнинг намунаси бўлиб, унда дарахтларга минтақанинг экологик хавфсизлигини таъминловчи яшил инфратузилма объекти ўлароқ қаралади. Оқилона парвариш қилинганда мазкур «яшил белбоғ» Сирдарё вилояти ҳудудини кўп йиллар давомида шомол эрозияси ва чанг бўронларидан химоя қилади.

Вилоятда яшиллик яратиш ишларининг асосий ижрочиларидан бири Сирдарё давлат ўрмон хўжалиғи ҳисобланади. Кейинги йилларда соҳадаги кўрсаткичлар сезиларли даражада ўсди. Агар 2020-2021 йилларда 12 гектар майдонда 300 — 320 минг туп манзарали ва мевали дарахт кўчати етиштирилган бўлса, 2026 йилга келиб бу кўрсаткич 48 гектар майдонда 1,5 миллион тупга етди.

— Бугун «яшил девор» нафақат экологик, балки стратегик аҳамиятга эга вазифага айланган, — дейди Сирдарё вилояти ўрмон хўжалиғи бошқармаси бошлиғи ўринбосари Қўнонбек Ҳакимов. — Вилоятнинг чегарадош ҳудудларида 84 километрлик «яшил химоя камари»ни барпо қилиш бўйича кенг кўламли ишлар олиб борилмоқда. Экилган кўчатларнинг қўқарувчанлиғи ҳозирда 80 — 85 фоизни ташкил этмоқда. Эндиги асосий вазифа — уларни сифатли парвариш қилиш ва сугориш тизимларини тақомиллаштиришдан иборат. Жорий йил баҳорги мавсумда Мирзаобод туманида 3 480 туп, Сирдарё туманида эса 6 100 туп иқлимга мос дарахт кўчатлари экилди. Келгусида сугориш тизимла-

ш ўзбекистон Қаҳрамони Мирзааҳмад Шоимов айтганидек, Янги Ўзбекистонимизнинг қайси масканига борманг, кейинги йиллардаги улкан ва жадал бунёдкорлиқнинг мислсиз самараларини кўрасиз. Айни чоғда, яна бир дилин яйратадиган манзара, бу, албатта, яшилликларнинг кўпаяётганидир. Масалан, бунга Янгиер — Даштобод ёки Янгиер — Гулистон автойўли четларида кечаги яйдок чўл манзараси ўрнини бугун барқ уриб ўсаётган дарахт кўчатлари эгаллаганини мисол келтириш мумкин. Шубҳасиз, бу «Яшил макон» умуммиллий лойиҳаси натижасидир. Ишонамизки, «Яшил белбоғ» лойиҳаси ҳам тез орада ана шундай катта самара беради.

Аҳмадали ШЕРНАЗАРОВ
(«Халқ сўзи»).

Ўзги таътил «COSMIC CAMP» – КОСМОСГА ИЛК ҚАДАМ

Ургач туманида жойлашган «Баркамол авлод» болалар оромгоҳида «Ўзбеккосмос» агентлигининг «Cosmic Camp» ёзги таълим дастури йўлга қўйилди. Лойиҳа доирасида иштирокчилар космонавтика, астрономия, сунъий йўлдош технологиялари, космик мониторинг ва ракетасозлик асослари билан танишишди.

Оромгоҳда ўтказилган амалий машғулотларда болалар турли макет ва конструкциялар ясашни ўрганиб, ўз иходий маҳоратини намоён этди. — «Cosmic Camp» дастури орқали ўқувчилар аниқ фанлар бўйича урганган назарий билимларини амалиётда синаб қўриш имкониятига эга бўлди, — дейди «Ўзбеккосмос» агентлиги бош мутахассиси Жаҳонгир Каримов. — Бундай амалий машғулотлар ўқувчи ёшларда фазо асослари, ракетасозлик, сунъий йўлдош моделларини ўрганишга қизиқишни оширади.

Одилбек ОДАМБОВ
(«Халқ сўзи»).

СИФАТЛИ ТИББИЙ ХИЗМАТ

олис қишлоқларга ҳам кириб бормоқда

Президентимиз ўтган йили Самарқанд вилоятининг Ургут туманида бўлганида, аҳоли саломатлигини муҳофаза қилиш, замонавий тиббий хизматни ҳар бир маҳаллагача етказиш, бирламчи тиббий хизмат сифатини ошириш ва олис ҳудудларга қамровни кенгайтириш масалаларига алоҳида эътибор қаратди.

Имконият

Туманнинг чекка ҳудудларидан бири бўлган Баҳрин маҳалласида 1972 йилда қурилган тиббиёт маскани биноси ярим асрдан ортиқ вақт давомида капитал таъмирланмаган, деворлари нураб, қорли-қировли кунларда томондан сув ўтадиган ҳолатга келиб қолган эди. Шиforderлар кўп йиллар давомида ана шундай шароити оғир ҳолатда беморларни қабул қилган. Минглаб инсонлар айнан шу маскандан шифо излашга мажбур бўлган, чунки бошқа танловнинг ўзи йўқ эди. Давлатимиз раҳбарининг ташаббуси, соғлиқни сақлаш тизимига қаратилаётган эътибор натижасида ушбу маскан бутунлай янгиланди ҳамда 21-оилавий поликлиникага айлантирилди.

— Ҳозир поликлиника тўлиқ реконструкция қилиниб, қўшимча корпус қурилди ва 20 ўринли янги туғруқ бўлими ташкил этилди, — дейди оилавий поликлиника мудири Сардор Луқмонов. — Эндиликда



аҳоли замонавий, ёруғ ва қулай шароитларда тиббий хизматдан фойдаланиш имконига эга бўлди: 5 та маҳалладаги 13 минг нафардан ортиқ аҳолининг ярим асрлик муаммосига ечим топилди.

Янги қурилган поликлиника бир қаватли, оддий, лекин қулай ва замонавий бўлиб, пухта лойиҳа асосида қурилган. Ургут марказидан 30 километр узоқликда жойлашган қишлоқдаги ушбу масканга кирган одам ўзини пойтахтнинг қоқ марка-

зидаги тиббиёт муассасаларидан бирига келиб қолгандек ҳис қилади.

Илгари дори-дармон қўйишга ҳам жойи бўлмаган поликлиникада бугун барча воситалар учун замонавий жиҳозлар мавжуд, дори таъминоти эса 80 фоизга етказилди. Умумий

амалиёт шифокори, педиатр, гинеколог, рентгенолог, УТТ шифокори каби мутахассислар фаолият кўрсатаётган поликлиникада аҳоли ўн ўринли кундузги стационар хизматидан беғул фойдаланмоқда. Бу ердаги лаборатория хонасида олинган 30 хилгача таҳлиллар нафақат туман ёки вилоят, балки республика миқёсидаги шифокорлар томонидан ҳам инobatта олинади. Мажмуа ҳудудида тез тиббий ёрдам хизмати йўлга қўйилган.

Абдулазиз ЙЎЛДОШЕВ
(«Халқ сўзи»).



ТРАНСКАСПИЙ ГАЗ ҚУВУРИ ҚУРИЛИШИДА ЯНГИ СУРЪАТ

АҚШ Сенати аъзоси Стив Дейнс Озарбайжон, Қозоғистон ва Туркменистон раҳбарияти билан музокаралар ўтказди.

«Euroasia» нашри хабарига кўра, учрашуларда асосий мавзу очилганмаган бўлса-да, кузатувчилар расмий Вашингтон Транскаспий газ қувури қурилишига янги суръат беришга уринмоқда, деб ҳисобляпти. Маълумот учун айтиш жоизки, Монтана штатидан сайланган республикачи сенатор Стив Дейнс Конгрессда АҚШнинг Кавказ ва Марказий Осиё давлатлари билан яқин алоқаларини кўллаб-қувватловчи нуфузли сиёсатчилардан бири ҳисобланади. Нашрда ёзишларича, сенатор ҳар уч давлат раҳбарлари билан учрашган. Ва расмий баёнотларда, асосан, савдо-иқтисодий ҳамкорликни кенгайтириш истаги таъкидланган.

ЕВРОПА ҲАМОН ЖАЗИРАМА ТАЪСИРИДА

Июнь ойининг ўрталарида Европада ғайритабиий иссиқ об-ҳаво кузатилади. Кўплаб мамлакатларда ҳарорат 40 даражадан ошди. Ушбу рекорд кўрсаткичдаги иссиқ ҳавога чўллардан келаётган субтропик антициклонлар сабаб бўлмоқда. Улар одатдаги океан антициклонини сиқиб чиқаради.

Бу ҳақда Камерино университети профессори, иқлим-шунос Массимилиано Фаззини маълум қилди.

Олимнинг тушунтиришича, Саҳроий Кабир ёки Эрон платосидан келадиган антициклонлар жуда қучли бўлиб, 6 — 8 километр баландлиқкача етади. Бу иссиқ ҳаво массаси тоғ тизмаларидан ошиб ўтаётганда пастга тушади ва сиқилиш ҳисобиغا янада қизиб кетади. Оқибатда Ер юзасидаги ҳарорат ҳаддан ташқари кўтарилади. Илгари Фарбий Европада, асосан, океан антициклонлари ҳукмронлик қилган. Ҳозир эса чўллардан келаётган субтропик антициклонлар кўпроқ таъсир ўтказмоқда.

Айни вақтда Апеннин яриморалига учинчи иссиқ ҳаво тўлқини яқинлашиб келаётгани айтилмоқда.

ЯШИРИН ТАРҚАЛАЁТГАН ЭБОЛА ЭПИДЕМИЯСИ

Жаҳон соғлиқни сақлаш ташкилоти маълумотларига кўра, ҳозирга қадар Конго Демократик Республикаси ва кўшни Угандада Эбола вирусини юқтириш билан боғлиқ қарийб 20 мингта ҳолат қайд этилган, 700 дан ортиқ инсонлар вафот этган. ЖССТнинг фавқулодда вазиятлар бўйича директори Чикве Ихеквеазу Женевада ўтказилган брифингда эпидемия кўлами расмий қайд этилган ҳолатлардан икки — тўрт баравар кўп бўлиши мумкинлигини айтди.

Унинг сўзларига кўра, кўплаб касалланиш ҳолатлари аниқланмай қолмоқда. Энг хавотирли ҳолатлардан бири — кўплаб беморларнинг тиббий ёрдамга мурожаат қилмасдан, яшаш жойларидан вафот этаётганидир. Эпидемия сабаб айрим давлатлар хавфсизлик чораларини қучайтираётган бўлса-да, ЖССТ Эбола вирусининг тарқалишини назорат остига олиш учун халқаро ҳамжамият ёрдами зарурлигини таъкидламоқда.

ДУНЁДАГИ ЭНГ ЙИРИК ГИБРИД ҚУЁШ ЭЛЕКТР СТАНЦИЯСИ

Хитойда қуввати 1 ГВт бўлган дунёдаги энг йирик «Нами» гибрид қуёш электр станциясидан тижорий мақсадларда фойдаланиш бошланди.

Бу ҳақда «Interesting Engineering» нашрида хабар берилди.

«China Three Gorges Corporation» корпорацияси томонидан Гоби сахросида қурилган ушбу электр станцияси 900 МВт қувватга эга фотоэлектрик қуёш панеллари ва 100 МВтли концентрацияланган қуёш энергетикаси қурилмасини ўзига бириштиради. Оддий қуёш электр станцияларидан фарқи ўлароқ, «Нами» қуёш ботганидан кейин ҳам литийли аккумуляторлардан фойдаланган ҳолда 8 соатгача электр энергияси ишлаб чиқариш имкониятига эга.

Лойиҳанинг қиймати 3,53 млрд. юанни (тахминан 480 млн. доллар) ташкил этади. Станция тўлиқ қувват билан ишлаш бошлагача, йилига 2,07 ТВт/соат электр энергияси ишлаб чиқариши мумкин, бу эса тахминан 830 минг хонадонни энергия билан таъминлаш учун етарли.

Интернет хабарлари асосида Шарофиддин ТҲЛАГАНОВ
(«Халқ сўзи») тайёрлади.

Самарқанд давлат ветеринария медицинаси, чорвачилик ва биотехнологиялар университети жамоаси университетнинг Ўсимликшунослик ва ем-хашак етиштириш кафедраси профессори, қишлоқ хўжалиғи фанлари доктори

Роззод ОРИПОВнинг вафоти муносабати билан марҳумнинг оила аъзолари ва яқинларига чуқур таъзия изҳор этади.

Мамлакатимизда ҳар икки йилда 500 нафар истиқболли бошқарувчини саралаб олиш, шу тариқа 2030 йилга қадар 1,5 минг нафар юқори салоҳиятли мутахассисдан иборат янги авлод раҳбар кадрлар захирасини яратиш режалаштирилган.

Халқ сўзи Народное слово

МУАССИСЛАР:
Ўзбекистон Республикаси
Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси Кенгаши,
Ўзбекистон Республикаси
Олий Мажлиси Сенати Кенгаши

Бош муҳаррир Ўткир РАҲМАТОВ

2020 йил 25 мартда Ўзбекистон Республикаси Президенти Администрацияси ҳузуридаги Ахборот ва оммавий коммуникациялар агентлигида 0001-рақам билан рўйхатга олинган. Нашр индекси — 229. Буяртма Г — 742. 19 551 нусxada босилди, ҳажми — 2 табоқ. Офсет усулида босилган. Қоғоз бичими А—2. Баҳоси келишилган нархда.

Телефонлар:
Девонхона 71-259-74-51; котибият 71-259-74-53;
эълонлар 71-259-74-87.



Таҳририятда келган кўлашмалар тақриз қилинмайди ва муталлафга қайтарилмайди.
Газетанинг ёзуви берилиш учун обунани расмийлаштирган ташкилот жаобгар.
Газета таҳририят компьютер марказида терилди ҳамда оператор М. Бекмуратов томонидан саҳифаланди.
Газетанинг полиграфик жиҳатдан сифатли чоп этилишига «Шарқ» напирет-матбаа акциядорлик компанияси масъул. Босмахона телефони: 71-233-11-07.

• МАНЗИЛИМИЗ:
100066,
Тошкент шаҳри,
Ислом Каримов кўчаси, 55-уй.
Набатчи муҳаррир — Ҳ. Қаршиев.
Мусахҳиҳ — Ш. Машраббоев.

«Шарқ» напирет-матбаа акциядорлик компанияси босмахонаси. Корхона манзили:
Буюк Турон кўчаси, 41. ЎЗА якуни — 23.25 Тошпирилди — 00.25 1 2 3 4 5 6